

КРЕДИТ ҚАЙТМАСЛИГИДАН СУҒУРТА ҚИЛИШ БОШ ШАРТНОМАСИ № 04/14/00223

Бухоро ш.

2022 йил “06” январь

“Суғурта фаолияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган 2021 йил 02 декабрдаги СФ №000025 лицензияси асосида фаолият юритувчи ва қуйида “Суғурталовчи” деб аталувчи “TRUST-INSURANCE” масъулияти чекланган жамият шаклидаги суғурта компанияси номидан 2021 йил “02” декабрдаги 57-сон Ишончнома асосида фаолият кўрсатувчи Суғурталовчининг Бухоро филиали директори О.Г.Козимов бир томондан ва қуйида “Суғурта қилдирувчи” деб аталувчи АТ «Халк банк» Когон филиали номидан 2021-йил 17-сентябр 01-3/15-сонли Ишончнома асосида фаолият юритувчи банк бошқарувчиси **У.Т.Мусоев** иккинчи томон бўлиб, биргаликда Томонлар деб аталиб, мазкур Кредит қайтмаслигидан суғурта қилиш бош шартномасини (қуйида – Шартнома) қуйидаги мазмунда туздилар:

1-БЎЛИМ. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ, СУҒУРТА ОБЪЕКТИ

1.1. Суғурта қилдирувчи Шартномада кўрсатилган миқдор ва муддатда суғурта мукофотини тўлаши шарти билан Суғурталовчи суғурта ходисаси содир бўлганда суғурта товонини қуйидаги кўрсатилган тартиб ва ҳажмда тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Суғурта объекти бўлиб Суғурта қилдирувчининг суғурта ходисаси натижасида унга зарар етиши билан боғлиқ мулкый манфаатлари ҳисобланади.

2-БЎЛИМ. АТАМАЛАР

Шартномада фойдаланилган асосий атамалар:

2.1. Кредит шартномаси – фойдаланганлик учун фоизлари билан биргаликда ёки фоизсиз аниқ муддатларда қайтариш шарти билан пул маблағлари қарзга берилишини назарда тутувчи, Шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган, Суғурта қилдирувчи ва қарздор ўртасидаги ёзма ёки электрон шаклдаги келишув.

2.2. Қарздор – кредит шартномасига мувофиқ Суғурта қилдирувчидан кредит олаётган, Суғурта қилдирувчининг дебитори ҳисобланувчи жисмоний шахслар.

2.3. Наф олувчи – қарздор вафот этган тақдирда суғурта товони тўловини Шартномага ёки қонун ҳужжатида мувофиқ олишга ҳақли жисмоний шахс(лар).

2.4. Бахтсиз ходиса – одам организмга қутилмаганда ташқи таъсир қилиб, унинг ўлимига ёки I гуруҳ ногирони бўлишига олиб келган воқеа.

2.5. Зарар – кредит шартномасига мувофиқ унинг муддатининг охиригача тўланиши керак бўлган, лекин суғурта ходисаси оқибатида асосий қарз ва фоизларнинг тўланмай қолган қисми.

2.6. Қутуш даври – кредит шартномаси бўйича қарзни сўнгдириш учун навбатдаги тўлов муддати келиб, лекин тўлов амалга оширилмаса, Суғурта қилдирувчи тўловни ундиришга ҳаракат қилиши учун мўлжаллаган, мазкур тўлов кунидан бошланадиган давр бўлиб, Суғурта қилдирувчи ушбу давр тугагандан кейин Суғурталовчига суғурта товони тўлови учун мурожаат этишга ҳақли.

2.7. Суғурта полиси – суғурта мукофоти Шартномада келишилган муддат(лар) ва миқдорда тўланганлиги натижасида Шартнома тўлиқ қучга кирганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат.

2.8. Суғурта пули – Суғурталовчининг суғурта ходисаси содир бўлганда суғурта

товонини тўлаш бўйича мажбуриятнинг чегарасини аниқлашчи пул маблағлари миқдори.

2.9. Суғурта мукофоти – суғурта учун Шартномада кўрсатилган тартиб ва муддат(лар)да тўланиши шарт бўлган тўлов.

2.10. Суғурта товони – суғурта ходисаси содир бўлган тақдирда Суғурталовчи томонидан шартсиз франшизани чегириб қолган ҳолда суғурта пулидан ошмаган миқдорда Суғурта килдирувчига тўланадиган пул маблағлари.

2.11. Суғурта муддати – Суғурта полисида кўрсатилган давр бўлиб, Суғурталовчи унинг мобайнида содир бўлган суғурта ходисалари учун суғурта товонини тўлаш мажбуриятини олади.

2.12. Шартсиз франшиза – зарарнинг суғурта билан қопланмайдиган қисми.

3-БЎЛИМ. СУГУРТА ХОДИСАСИ

3.1. Суғурта ходисаси бўлиб Қарздорнинг бахтсиз ходисага учраши сабабли Суғурта килдирувчига кредит шартномаси бўйича тўловни амалга оширмаслиги оқибатида Суғурта килдирувчининг зарар кўриши ҳисобланади.

3.2. Қуйидагилар натижасида юзага келган воқеа (зарар) суғурта ходисаси ҳисобланмайди:

а) Суғурталовчини ёзма розилигисиз Шартномани тузиш пайтида Суғурталовчига нусхаси тақдим этилган кредит шартномасининг шартлари ўзгартирилса;

б) Суғурта килдирувчи ва унинг ходимлари томонидан фирибгарлик, қонунбузарлик ҳолатлари, шу жумладан суғурта шартномаси ёки кредит шартномаси тузилаётганда ёлгон маълумотларни тақдим этганлиги аниқланганда;

в) кредит ва унинг фоизидан ташқари ҳисобланган ҳар қандай ҳақ, устама, фоиз, неустойка, жарима, пеня ва бошқа тўловлар;

г) зарар бошқа шахс томонидан қопланса;

е) кредит шартномаси бўйича маблағлар нотўғри банк ҳисобварағига ўтказиб юборилса, электрон ва компьютер тизимларидаги хатолар, вируслар ва бошқа ҳар қандай омиллар таъсирида мазкур пул маблағлари йўқолса;

ж) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида кўрсатилган бошқа ҳолатларда.

4-БЎЛИМ. ШАРТНОМА ВА МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

4.1. Шартнома уни Томонлар имзолаган пайтдан бошлаб қучга қиради ва 3 (уч) йил давом этади.

Суғурталовчининг суғурта ходисаси содир бўлганда суғурта товонини тўлаш бўйича мажбурияти, Суғурта полисида кўрсатилган муддатга мутаносиб суғурта мукофоти тўланган бўлса, ўз қучига эга бўлади.

Суғурта полисида Шартнома муддатида кўпроқ муддат кўрсатилган бўлса, Шартнома мазкур муддатга узайтирилган ҳисобланади.

4.2. Суғурта килдирувчи суғурта қилиш учун Суғурталовчига Шартномага 1-илова шаклидаги ариза-сўровномани унга кредит шартномасининг нусхасини илова қилган ҳолда тақдим этиши шарт.

4.3. Томонлар ўртасидаги Шартномани тузишга оид барча ёзишмалар, ҳужжатлар алмашинуви электрон шаклда амалга оширилиши мумкин.

5-БЎЛИМ. СУГУРТА ПУЛИ, СУГУРТА МУКОФОТИ, ФРАНШИЗА ВА КУТИШ ДАВРИ

5.1. Шартнома бўйича сугурта пули йил давомида қилинадиган реестрга асосан.

5.2. Шартнома бўйича сугурта мукофоти **йиллик 0.5** фоизни ташкил этади.

5.3. Сугурта полиси сугурта мукофоти Сугурталовчининг банк ҳисоб рақамига тушган кундан бошлаб 1 (бир) иш куни ичида ҳар бир кредит шартномаси учун алоҳида берилди ва мазкур кредит қайтмаслигидан сугурталаш бўйича алоҳида сугурта шартномаси ҳисобланади.

Сугурта полиси йўқолган тақдирда унинг дубликати Сугурта қилдирувчининг аризасига мувофиқ берилди. Йўқолган Сугурта полиси ҳақиқий эмас деб ҳисобланиб, у бўйича тўловлар амалга оширилмайди.

5.4. Шартнома бўйича сугурта пули Сугурта қилдирувчига сугурта товони тўланса ёки Қарздор кредит шартномаси бўйича тўловларни амалга оширса, тўланган сугурта товони ва (ёки) сўнгдирилган қарз миқдоридан камаяди.

5.5. Мазкур шартнома бўйича шартенз франшиза қўлланилмайди.

5.6. Куттиш даври 5 (беш) банк иш кунини ташкил этади.

6-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Сугурта қилдирувчининг ҳуқуқлари:

а) Сугурталовчи билан ёзма келишган ҳолда сугурта шартларига ўзгаришлар киритиши:

б) сугурта ходисаси содир бўлганда сугурта товони тўловини талаб қилиши:

в) Шартнома амал қилиш даври давомида мазкур Шартнома бўйича бепул маслаҳатлар олиши.

6.2. Сугурта қилдирувчининг мажбуриятлари:

а) Шартнома тузилаётганда ва у амал қилган даврда ўзига маълум бўлган сиёсий ёки тижорат таваккалчилигини келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатлар ҳақида Сугурталовчини хабардор қилиши:

б) Сугурта қилдирувчи ёки унинг ходимлари Шартнома билан боғлиқ ноқонуний ҳаракатлар, шу жумладан фирибгарлик содир қилганлиги ёхуд фирибгарликка шерик сифатида қўмақлашганлиги аниқланса, Сугурталовчи тўлаган тегишли сугурта товонини 30 (ўттиз) календарь кунидан кечиктирмай Сугурталовчига тўлик қайтариши:

в) зарар ўрни бошқа шахслар томонидан қопланган ҳолатлар бўлса, бу тўғрисида Сугурталовчига 10 (ўн) календарь кунидан кечиктирмай хабар бериши:

г) ўзининг, Қарздорнинг юридик манзили ва банк реквизитлари ўзгарганлиги маълум бўлган тақдирда бу ҳақда Сугурталовчига 5 (беш) календарь кунидан кечиктирмасдан хабар қилиши.

6.3. Сугурталовчининг ҳуқуқлари:

а) сугурта тўлови талаб қилинганда Сугурта қилдирувчидан сугурта шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилишини талаб қилиши:

б) сугурталанаётганда Сугурталовчига ёлғон маълумотлар тақдим этилганлиги аниқланса, Шартномани (Сугурта полисини) ҳақиқий эмас деб топилишини ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган оқибатлар қўлланилишини талаб қилиши:

в) сугурта таваккалчилигини оширишга олиб келадиган ҳолатлар юзага келганда таваккалчилик оширишга мос равишда Шартнома шартларини ўзгартиришни ёки қўшимча сугурта мукофотини тўлашни талаб қилишга:

е) Шартнома муддатидан аввал бекор қилинса, сугурта муддатининг ўтган даврига муносиб бўлган тегишли сугурта мукофотини ва унинг 25% миқдоридagi

Сугурталовчининг харажатларини ва сугурта товонлари тўловларини чегириб қолиши.

6.4. Сугурталовчининг мажбуриятлари:

- а) Сугурта полисини тақдим этиши;
- б) сугурта ходисаси содир бўлганда Шартномада кўрсатилган муддат ва тартибда сугурта товонини тўлаши;
- в) Сугурта килдирувчи, хорижий сотувчи ва лизинг оловчи хақида маълумотларни конун ҳужжатларига мувофиқ сир сақлаши.

7-БЎЛИМ. ШАРТНОМАНИНГ ТУГАШИ ВА БЕКОР ҚИЛИНИШИ

7.1. Шартнома ёки у бўйича берилган сугурта полис(лар)и қуйидаги ҳолларда амал қилиши тўхтайд:

- а) сугурта муддати тугаганда, лекин бунда Сугурталовчининг сугурта муддати мобайнида содир бўлган сугурта ходисалари бўйича сугурта товонини тўлаш мажбурияти даъво қилиш муддати мобайнида ўз қучига эга бўлади;
- б) Сугурталовчи Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажарганда;
- в) Шартнома ёки у бўйича берилган сугурта полис(лар)и суд томонидан бекор қилинганда;

г) Ўзбекистон Республикасининг конун ҳужжатларида кўрсатилган бошқа ҳолларда.

Шартнома Сугурта килдирувчи ёки Сугурталовчининг талабига биноан, агар учинчи тарафнинг манфаатларига зид бўлмаса, муддатидан аввал бекор қилиниши мумкин.

7.2. Шартнома ёки сугурта полис(лар)и муддатидан аввал бекор қилинса, сугурта муддатининг ўтмаган даври учун сугурта мукофотидан тўланган сугурта товонлари ва Сугурталовчининг ўтган сугурта муддати учун сугурта мукофотининг 25 фоизи миқдориди харажатлар чегириб қолган ҳолда Сугурта килдирувчига қайтарилади.

7.3. Сугуртани муддатидан аввал бекор қилмоқчи бўлганда Томонлар бир бирларини бекор қилиниши мўлжалланган санага камида 30 (ўттиз) календарь куни қолганда хабардор қилишлари керак.

8-БЎЛИМ. СУГУРТА ТОВОНИ

8.1. Шартнома доирасида сугурта товонини тўлаш тўғрисида Компанияга нисбатан талаб қўйишга асос бўла олинми мумкин бўлган ҳодиса юз берган тақдирда Сугурта килдирувчи Қутиш даври тугагандан кейин Сугурталовчига мурожаат қилади ва қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилади:

- воқеа тавсilotлари батафсил кўрсатилган Шартноманинг 2-иловаси шаклидаги ариза;

- Қарздор томонидан Сугурта килдирувчига амалга оширилган тўловлар миқдорлари кўрсатилган банк томонидан тақдим этилган маълумотнома;

- Қарздор бахтсиз ҳодисага учраганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, шу жумладан ташқи таъсирни тасдиқловчи ҳужжат, ТМЭЖ ҳулосаси ёки ўлим хақида тиббий гувоҳнома;

- Қарздор ва Сугурта килдирувчи ўртасида кредит шартномасига оид ўзаро ёзинмалар;

- бошқа гаров, кафолатлар мавжуд бўлса ёки бошқа шахслар томонидан маблағлар қопланган бўлса, қарз қиёман қопланганлиги ва ундириш ҳаракатлари амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Сугурталовчи тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотлар хақиқий эканлигини ўрганиш мақсадида мустақил равишда давлат органларига ва бошқа ташкилотларга мурожаат этишга ҳақли.

8.3. Сугурта килдирувчи томонидан Шартноманинг 8.1-бандида келтирилган барча ҳужжатлар тақдим қилинган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида Сугурталовчи сугурта товонини тўлаш ёки тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Сугурталовчи сугурта

товони тўловини рад этган тақдирда Суғурга килдирувчига Шартноманинг 3-иловаси шаклидаги Тўловга асос етарли эмаслиги тўғрисида хабарномани тақдим этади.

8.4. Шартноманинг 8.1-бандида кўрсатилган барча ҳужжатлар тақдим этилиб, суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги тасдиқланса, томонлар ўртасида Шартноманинг 4-иловаси шаклидаги Суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома тузилади ва суғурта товони Суғурта килдирувчининг ҳисобварағига Суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома тузилган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни ичида ўтказиб бериледи.

8.5. Суғурта товони Суғурта килдирувчининг зарари миқдорига тенг бўлиб, лекин суғурта пулидан ошмаган миқдорни ташкил этади. Ҳар бир тўланган суғурта товони суғурта пули миқдорини камайтиради.

9-БЎЛИМ. СУБРОГАЦИЯ

9.1. Суғурталовчи суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги муносабати билан Суғурта килдирувчининг қарздордан талаб қилиш ҳуқуқини (суброгация) Суғурталовчига ўтишидан ва ушбу ҳуқуқни амалга оширишдан воз кечади.

10-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

10.1. Томонлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажармасалар ёки лозим даражада бажармасалар. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

11-БЎЛИМ. ФОРС-МАЖОР

11.1. Томонлар форс-мажор ҳолатлари амалда бўлган даврда Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлик ёки қисман бажармаганлик учун жавобгар бўлмайдилар.

11.2. Форс-мажор ҳолатлари бўлиб Шартномани бажаришга таъсир қилган қуйидаги ҳодисалар ҳисобланади: табиий ҳодисалар (зилзила, кўчки, довул, қурғоқчилик ва бошқа кўрсатиб ўтилмаган табиий офатлар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (ҳарбий ҳаракатлар, иш ташлашлар, блокадалар, давлат ташкилотларининг, давлатлараро, шунингдек ҳукумат қарорлари билан чекловчи ёки таъқиқловчи талбирлар ва бошқалар).

11.3. Форс-мажор ҳолатлар содир бўлса, Шартноманинг амал қилиши форс-мажор ҳолатлар амал қилган муддатга Шартноманинг 12.1-бандига мувофиқ тартибда узайтирилади.

12-БЎЛИМ. БОШҚА ШАРТЛАР

12.1. Шартномага барча ўзгаришлар ва қўшимчалар Томонларнинг розилиги билан ёзма равишда киритилиши шарт.

12.2. Суғурталовчи ва Суғурта килдирувчи Шартнома, иловалар ва Шартнома билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни, маълумотларни тегишли томоннинг ёзма рухсатисиз ҳар қандай учинчи тарафга ошқор қилмаслик мажбуриятини оладилар, қонун ҳужжатларига кўрсатилган ҳолатларда маълумотларни тақдим этиш ҳоллари бундан мустасно.

12.3. Шартномадан келиб чиқувчи барча баҳс ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал этилади, келишувга эришилмаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

12.4. Шартнома бўйича даъво қилиш муддати унинг муддати тугаган кундан бошлаб 3 (уч) йилни ташкил қилади.

12.5. Шартнома бир хил юридик кучга эга. Суғурталовчи ва Суғурта килдирувчида бир нусхадан сақланувчи 2 (икки нусхада) тузилиди.

13-БЎЛИМ. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАР ВА РЕКВИЗИТЛАР

СУҒУРТАЛОВЧИ

“TRUST-INSURANCE” МЧЖ СК
Манзил: Бухоро А.Гиждувоний 40-уй
Тел : 98-274-69-96
Х.р. 20216000105187595006
Банк коди: 00084
СТИР: 307184423

Филиал бошлиги

О.Г.Козимов

СУҒУРТА ҚИЛДИРУВЧИ

“Халк банки” АТБ Когон филиали
Манзил: Когон ш.Бухоро шох кўчаси
ИНН: 201109085
Тел: (65) 52-4-23-70
МФО: 00665
Х.р. 2989 6000 5000 0066 5000

Филиал бошлиги

У.Т.Мусоев



О.Г.Козимов

м.ў.

У.Т.Мусоев

м.ў.

“Халк банки” АТБ Когон филиали

Юрист

Ш.Муминов

Ш.Муминов

Кредит тақдир этилаётган Кредиторлар рўйхати

№	Кредиторнинг исми, шартнома таъиниши исми (кредит олдигачи)	Кредиторнинг манзили	Кредиторнинг идентификация рақами	Кредит миқдори	Кредит мулкати	Ўзгариш шумари	Ўзгариш миқдори	Ўзгариш мулкати
1	Шохи рояли Фойдала Барлоғи	Корона, довозор йаман бўғачи МФЙ	AA 1747470	1 330 000	36 ой	1 662 500	24 937,50	36 ой
2	Нарожа Лиёбар Латифлиева	Корона, довозор йаман бўғачи МФЙ	AD 0163626	3 990 000	36 ой	4 987 500	74 812,50	36 ой
3	Саломов Валитов Шонизарович	Корона, довозор йаман бўғачи МФЙ	AA 1911763	1 330 000	36 ой	1 662 500	24 937,50	36 ой
4	Исмаилов Бахриддинович	Корона, довозор йаман бўғачи МФЙ	AA 7140928	665 000	36 ой	831 250	12 468,75	36 ой
5	Эргашев Улуғмур Алипқич	Корона, довозор йаман бўғачи МФЙ	AA 2185674	1 330 000	36 ой	1 662 500	24 937,50	36 ой
6	Дуҳонов Муратбек Юлдузбекович	Корона, довозор йаман бўғачи МФЙ	AA 1671715	1 330 000	36 ой	1 662 500	24 937,50	36 ой
7	Рахитов Шавкат Юлдашев	Корона, довозор йаман бўғачи МФЙ	AA 3186603	665 000	36 ой	831 250	12 468,75	36 ой
8	Жалялова Махсуд Шайхонид	Корона, довозор йаман бўғачи МФЙ	AC 1961633	3 660 000	36 ой	3 325 000	49 875,00	36 ой
9	Аюшев Сўлоҳон	Корона, довозор йаман бўғачи МФЙ	AA 185199	1 330 000	36 ой	1 662 500	24 937,50	36 ой
10	Аюшев Сўлоҳон	Корона, довозор йаман бўғачи МФЙ	AA 5017888	665 000	36 ой	831 250	12 468,75	36 ой
11	Наврузова Сураё Саиджонқич	Корона, довозор йаман бўғачи МФЙ	AB 220900	665 000	36 ой	831 250	12 468,75	36 ой
12	Салпаров Шейх XXX	Корона, довозор йаман бўғачи МФЙ	AB 1703017	1 330 000	36 ой	1 662 500	24 937,50	36 ой
13	Ражабов Мухитил Диралқич	Корона, довозор йаман бўғачи МФЙ	AA 396671	1 330 000	36 ой	1 662 500	24 937,50	36 ой
14	Лечирова Маъжид Алишова	Корона, довозор йаман бўғачи МФЙ	AA 1717061	1 330 000	36 ой	1 662 500	24 937,50	36 ой
15	Наров Рахат Жафарович	Корона, довозор йаман бўғачи МФЙ	AB 3037833	1 330 000	36 ой	1 662 500	24 937,50	36 ой
16	Қўлиев Қўлиев Сулоҳон	Корона, довозор йаман бўғачи МФЙ	AA 385300	1 330 000	36 ой	1 717 500	36 062,50	36 ой
17	Аюшев Сўлоҳон XXX	Корона, довозор йаман бўғачи МФЙ	AA 5816479	1 330 000	36 ой	1 662 500	24 937,50	36 ой
18	Наврузова Мурад Алишова	Корона, довозор йаман бўғачи МФЙ	AA 1810612	1 330 000	36 ой	1 662 500	24 937,50	36 ой
19	Наврузов Юлдузбек Қўлипович	Корона, довозор йаман бўғачи МФЙ	AA 6087416	6 650 000	36 ой	8 312 500	124 687,50	36 ой
20	Бороева Раина Рахитовна	Корона, довозор йаман бўғачи МФЙ	AB 8597984	665 000	36 ой	831 250	12 468,75	36 ой
21	Наврузов Юлдузбек Абдулқич	Корона, довозор йаман бўғачи МФЙ	AA 1490923	1 330 000	36 ой	1 662 500	24 937,50	36 ой
22	Ражабов Наридат Қўлишова	Корона, довозор йаман бўғачи МФЙ	AA 1747472	1 330 000	36 ой	1 662 500	24 937,50	36 ой
23	Шонизова Ўзгир Бакорич	Корона, довозор йаман бўғачи МФЙ	AB 2210091	997 500	36 ой	1 246 875	18 703,12	36 ой
24	Шонизова Саъодат Икромовна	Корона, довозор йаман бўғачи МФЙ	AA 1484964	3 990 000	36 ой	4 987 500	74 812,50	36 ой
25	Қаримов Мухитил Шайхонид	Корона, довозор йаман бўғачи МФЙ	AC 1615397	1 330 000	36 ой	1 662 500	24 937,50	36 ой
26	Саломов Исхон Шонизарович	Корона, довозор йаман бўғачи МФЙ	AB 8505861	6 650 000	36 ой	8 312 500	124 687,50	36 ой
27	Жалялова Мукаррам Юсуфовна	Корона, довозор йаман бўғачи МФЙ	AA 1487268	1 330 000	36 ой	1 662 500	24 937,50	36 ой
28	Өмримова Юсуфовна Шайхонид	Корона, довозор йаман бўғачи МФЙ	AA 2206501	1 565 000	36 ой	1 956 250	29 343,75	36 ой
29	Сайитова Юлдузбек Қўлиповна	Корона, довозор йаман бўғачи МФЙ	AA 4283114	26 600 000	36 ой	33 250 000	498 750,00	36 ой
30	Наврузов Рахат Болатович	Корона, довозор йаман бўғачи МФЙ	AA 3809440	6 650 000	36 ой	8 312 500	124 687,50	36 ой
31	Ишметов Рахат Юсуфович	Корона, довозор йаман бўғачи МФЙ	AA 3732675	3 600 000	36 ой	4 500 000	67 500,00	36 ой
32	Юсуфовна Шахноз Юсуфовна	Корона, довозор йаман бўғачи МФЙ	AB 5151285	4 600 000	36 ой	5 750 000	86 250,00	36 ой
33	Қўлиева Наридат Аюшевна	Корона, довозор йаман бўғачи МФЙ	AC 0085792	8 600 000	36 ой	10 750 000	161 250,00	36 ой
34	Улуғмуровна Умид Алишова	Корона, довозор йаман бўғачи МФЙ	AB 2210095	5 170 000	36 ой	6 462 500	96 937,50	36 ой
35	Қўлиева Абдулқич Юсуфовна	Корона, довозор йаман бўғачи МФЙ	AC 1081639	3 600 000	36 ой	4 500 000	67 500,00	36 ой
36	Бороева Раина Рахитовна	Корона, довозор йаман бўғачи МФЙ						

37	Журнали с/амия Тезмирош	Коргоду довор туман Намангор МФД	АВ 7161655	38 350 000	36 ой	47 937 500	719 062,50	36 ой
38	Калипохона Шарофат Компила	Коргоду довор туман Намангор МФД Курманста	AA 8107071	7 670 000	36 ой	9 587 500	143 812,50	36 ой
39	Шайхурова Гулноза Абдурашова	Котон туман ХалкПрок МФД ГулПрок кичи юн	AA 7248958	7 670 000	36 ой	9 587 500	143 812,50	36 ой
40	Халипаров Саиджон Саиджонович	Котон туман Урда Чул МФД	AB 2881065	7 670 000	36 ой	9 587 500	143 812,50	36 ой
41	Каримовна Рабоба Мухаммаевна	Котон туман Тезмирош МФД Калон кичи юн	AA 1888036	7 670 000	36 ой	9 587 500	143 812,50	36 ой
42	Войтапаров Халидер Дурдонич	Котон туман Тезмирош МФД Жусурбаев кичи юн	AA 5151832	7 670 000	36 ой	9 587 500	143 812,50	36 ой
43	Ахмедов Дурдон Ахмедович	Котон туман Урда Чул МФД	AC 0872786	7 670 000	36 ой	9 587 500	143 812,50	36 ой
44	Курманов Халил Хайракчи	Котон туман Бектар МФД Нурафари кичи юн	AA 1300182	7 670 000	36 ой	19 178 000	287 625,00	36 ой
45	Нуров Гулноза Рахмонова	Котон туман Намус МФД	AA 1367067	7 670 000	36 ой	9 587 500	143 812,50	36 ой
46	Халилжон Имомид Рахмонов	Котон туман Тезмирош МФД	AA 1659910	7 670 000	36 ой	9 587 500	143 812,50	36 ой
47	Журданов Бакор Мирмуратов	Котон туман Тезмирош МФД	AA 8181819	7 670 000	36 ой	9 587 500	143 812,50	36 ой
	Жами			234 202 500		291 628 125	4 000 111,87	

"TRUST-INSURANCE" МЧЖ СК

Манзил: Бухоро шаҳар
А. Гиждувоний кўчаси

40-уй

ХР 20216000105187595006

Банк коди 00084

СТИР 307184423

Филiaal бошлиғи

О.Г.Козимов



АТ Халк банки Когон филиали

Манзил: Когон шаҳар Бухоро Шох
кўчаси

ХР 29896000500000665000

Банк коди 00665

СТИР 201109085

Банк бошкарувчиси в.в.б

У.Т.Мурсоев

U. T. Mursayev
М.У.